

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

342 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2010 йил 12 августдаги 137–II-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2010 йил 29 августдаги 96–II-сонли қарорлари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича 1-иловага* мувофиқ таркибда Республика комиссияси ташкил этилсин.

2. Республика комиссияси (Б.А. Хўжаев):

икки ой муддатда Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманлари бирлаштирилиши, шунингдек Зангиота тумани ҳудудининг бир қисми Тошкент вилоятининг Қибрай туманига ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманига берилиши билан боғлиқ зарур ташкилий-техник тадбирлар комплекси ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминласин;

икки ҳафта муддатда — Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Тошкент вилояти Зангиота тумани давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари ходимларининг чекланган умумий

* 1-илова берилмайди.

сонини, тузилмаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондларини аниқлашга доир ташкилий масалаларни ҳал этсин;

бир ой муддатда — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда тегишли равишда Тошкент вилоятининг Зангиота ва Қибрай туманлари ҳамда Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани бюджетининг ва уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз параметрларини белгиласин;

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ташкилий даврда иқтисодиёт тармоқларининг аниқ, барқарор ва бир маромда ишлашини, шунингдек юзага келадиган ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Тошкент вилоятининг Тошкент ва Зангиота туманлари бирлаштирилиши муносабати билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари тугатилиши ва улар сонининг қисқариши натижасида бўшаб қолаётган шахсларни ишга жойлаштириш чоратадбирларини кўрсин, зарурият бўлганда уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Тошкент вилоятининг Зангиота ва Қибрай туманлари, Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани маъмурий ҳудудлари кенгайтирилишини ҳисобга олган ҳолда статистика кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

4. Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги аппарати тузилмаси бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 18 нафардан иборат этиб 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар:

бирлаштирилаётган Зангиота ва Тошкент туманлари ички ишлар органлари ходимларининг мавжуд сони, улар Тошкент вилояти Зангиота тумани ички ишлар органларининг тегишли бўлинмаларига берилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида;

бирлаштирилаётган Зангиота ва Тошкент туманларида фаолият кўрсатётган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва давлат нотариал идоралари уларга тартиб рақами берилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида сақлаб қолинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бирлаштирилаётган Зангиота ва Тошкент туманларининг прокуратура ҳудудий органлари, шу жумладан Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлимлари ходимларининг штатдаги сонини Тошкент вилоятининг Зангиота тумани бўйича тегишли бўлинмаларга бериш тавсия этилсин.

7. Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилув-

чи қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги чегара тумани хузуридаги доимий ишлайдиган штаб доирасида, Зангиота тумани ҳокимлиги билан ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлашни ва унинг дахлсизлигини таъминлаш устидан назорат қилишнинг ягона тизимини ташкил этишни такомиллаштиришга, Қозоғистон Республикаси билан чегара бўйлаб давлат божхона хизмати ва ички ишлар органлари бўлинмаларининг самарали фаолият кўрсатишига доир зарур тадбирларни амалга оширсинлар.

8. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Тошкент вилоятининг Зангиота ва Қибрай туманларини ҳамда Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманини янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.


9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 сентябрь,
213-сон

**Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги аппарати
ТУЗИЛМАСИ**



Жами бошқарув ходимлари (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) — 18 та штат бирлиги.